

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САГАТОВА ДИЛНОЗА РАХИМОВНА

**КЛИМАКТЕРИК ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОАРТРИТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОНИ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сагатова Дилноза Рахимовна

Климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит
ривожланишининг клиник-патогенетик хусусиятлари
ва комплекс давони самарадорлиги..... 5

Сагатова Дилноза Рахимовна

Клинико-патогенетические особенности формирования
остеоартрита и эффективность комплексного
лечения у женщин климактерического периода..... 25

Sagatova Dilnoza Rakhimovna

Clinical and pathogenetic features of the formation of
osteoarthritis and efficiency of complex treatment
of menopausal women..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САГАТОВА ДИЛНОЗА РАХИМОВНА

**КЛИМАКТЕРИК ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОАРТРИТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОНИ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2677 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилдора Абдумаликовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодидулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Акбар Хотамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт педиатрия институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.И. Пулатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Климактерик даврдаги аёллар орасида остеоартритнинг (ОА) кенг тарқалганлиги ва бўғимлардаги дегенератив ўзгаришларнинг муттасил равишда кучайиб бориши беморларнинг хаёт сифати кўрсаткичларини пасайтириб, касалликнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятини белгилаб беради. Уларда ОАнинг клиник хусусиятларининг ўзига хослиги ва узлуксиз авжланиб боровчи бўғим синдромига қўшимча коморбидлик ҳолати мазкур касалликка нисбатан янгича ёндошувни талаб қилади ва бу ташхислаш ҳамда даволашдаги мувофиқлаштириш заруриятини туғдиради.

Жаҳонда климактерик даврдаги аёлларда ОАни ривожланишининг клиник-патогенетик хусусиятларини таҳлил қилиш ва унга боғлиқ равишда муқобил даволаш тамойилларини ишлаб чиқишга доир кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Унга кўра, эндотелий дисфункцияси ОАни патогенетик ривожланишида неоангиогенез, тромбоз, лейкоцитлар ва тромбоцитларнинг томир ичида фаоллашувини ривожлантиришда иштирок этади. Климактерик даврдаги аёлларда эндотелиал қон томир моноқатламига таъсир қилувчи эндоген ва экзоген омиллар мавжуд бўлиб, уларга жавобан эндотелиал хужайралар биологик фаол моддалар синтезини сусайтириш ёки ошириш орқали жавоб беради. Бу ҳолат эса яллиғланишга қарши цитокинларнинг дефицити, матрицали металлопротеазалар ва вазоконстрикторларнинг фаоллашуви ҳамда микроциркуляциянинг бузилишини келтириб чиқариб, ОАда бўғим синдромини ривожланишига сабаб бўлади.

Республикамизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш...»¹ каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ва хавф омилларини бартараф этиш ҳамда эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида бўғим касалликларини камайтириш билан бир қаторда ОАни олдини олиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эстрогенлар тоғай тўқимасидаги метаболик жараёнларни бошқаришда фаол иштирок этади, хусусан, улар тоғай тўқимасини ўсишини таъминлайдиган хондроцитларга ҳам таъсир кўрсатади. Эстрогенларнинг етишмовчилиги эса хондроцитлар сонининг камайишига олиб келиб, тоғай тўқимасидаги регенератив жараёнларни секинлаштиради ҳамда бўғим тоғайининг деструкциясини тезлаштиради. Бу ҳолат бевосита эндотелий дисфункциясини кучайишига ва бунинг оқибатида бўғимларнинг морфо-функционал ҳолати ёмонлашиб, беморларнинг ҳаёт сифати пасайишига олиб келади.

Климактерик даврда эндотелий дисфункцияси ва гормонал мувозанатнинг бузилиши ОА билан боғлиқ бўлган салбий жараёнларни келтириб чиқариши натижасида бўғим атрофидаги қон томирларнинг спазмини кучайиши ва бўғим тоғайининг қон билан таъминланиши ҳамда озикланиши бузилиб, аста секин деструкция содир бўлиши исботланган (Балтер Р.Б. ва ҳаммуал., 2016). Дарҳақиқат, климактерик даврдаги ОАга чалинган аёлларда касалликнинг клиник фаоллиги ҳам юқори бўлиши ўз тасдиғини топган (Bennel K.L. ва ҳаммуал., 2019). Сўнгги йилларда ОАни муқобил даволашга доир олиб борилган илмий тадқиқот ишларнинг натижаларида анъанавий давога қўшимча равишда биорегулятор гомеопатик дори воситаларини қўллаш самарадор эканлиги тасдиқланган (Vee L. ва ҳаммуал., 2018). Ушбу гуруҳдаги препаратларни қўллаш натижасида касалликнинг клиник–лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ҳамда бўғимлар дегенерациясини кучайиши сезиларли равишда камайган.

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда ОАнинг кечиш хусусиятлари, оғирлик даражасини башорат қилишда гаптоглобин фенотиплари, қон гуруҳларининг аҳамияти (Тоиров Э.С., 2020), ОАнинг клиник-генетик хусусиятлари (Бобоев Н.М., 2020), беморларда кузатиладиган иммунологик ўзгаришлар, кальций-фосфор алмашинувининг ОАдаги аҳамиятига (Алиахунова М.Ю., 2019) ОАда тоғай олигомер матриксли оксил микдорига кўра бўғим тузилмаларидаги бузилишлари клиник хусусиятларига (Бўронова С.Н 2022) бағишланган муаммолар бўйича қатор олимлар илмий тадқиқотларолиб боришган. Шуларни ҳисобга олиб, климактерик даврдаги ОАли аёлларни комплекс даволашда анъанавий давога қўшимча равишда юқорида кўрсатилган бузилишларни бартараф этиш хусусиятига эга бўлган биорегулятор дори препаратларини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги келтириб ўтилган.

Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, климактерик даврда ОАни клиник-патогенетик механизмлари асосида эндотелий дисфункциясининг юзага келиши муҳим аҳамият касб этиб, уни ўрганиш орқали касалликнинг ривожланиб боришини секинлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконияти яратилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланишининг клиник-патогенетик хусусиятлари ва комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

климактерик даврдаги остеоартритли беморларда эндотелий дисфункциясини (MCP-1, VEGF, NO) таҳлил қилиш;

климактерик даврдаги остеоартритли беморларда эндотелий дисфункцияни касалликка хос бўлган бўғим тоғайидаги ўзгаришларга таъсирини асослаш;

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобидида эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларининг ўзгаришлари касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражасига ва бўғим тоғайларида дегенератив ўзгаришларга таъсирини баҳолаш;

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобидида эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларидаги ўзгаришларни эндотелий дисфункциясига таъсирини баҳолаш;

эндотелий дисфункцияси мавжуд климактерик даврдаги остеоартритли беморларни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг артрологик ихтисослашган амбулатор даволаш курси бўлимида диспансер назоратда турувчи, кардиоревматология, ревматология бўлимларида даволанаётган 105 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардобиди, ҳамда бўғим синдромининг динамикасини объектив ва субъектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник Visual Analogue Scale (VAS), Western Ontario and McMaster University (WOMAC), Lequene альго-функционал индекслари бўйича бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, биокимёвий, иммунофермент таҳлил усули (қон зардобидида васкулоэндотелиал ўсиш омили (VEGF), MCP-1 (моноцитар хемотаксис протеин-1), NO титрлари, асбобий (рентгенологик, ультратовуш текшируви ва магнит-резонансли томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

постменопауза давридаги аёлларда эндотелий дисфункциясини белгиловчи кўрсаткичларнинг моноцитар хемотаксис протеин-1 (MCP-1) ва

васкулоэндотелиал ўсиш омили (VEGF) титрлари пременопауза давридаги беморларга нисбатан баланд, азот оксиди (NO) қийматлари эса паст бўлиши аниқланган;

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобиди эстрадиол, фолликулостимуловчи гормон (ФСГ) ва лютеинловчи гормон (ЛГ) миқдорларининг ўзгаришлари касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражасини ва бўғим тоғайларидаги дегенератив-дистрофик ўзгаришларни кучайтириши асосланган;

климактерик даврдаги остеоартритли беморларда эндотелиал дисфункциясининг кучайиб бориши билан бўғим тоғайларидаги дегенератив-дистрофик, яллиғланиш жараёнлари ўртасида узвий боғлиқлик аниқланган;

климактерик даврдаги остеоартритли беморларни комплекс даволашда биорегулятор дори воситаларни қўллаш касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражаларининг пасайтириб, эндотелиал дисфункция кўрсаткичларини яхшилаши ҳамда тоғайларнинг дегенератив-дистрофик жараёнларини камайтириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобиди эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларидаги ўзгаришлар эндотелий дисфункциясини кучайтириши кузатилган;

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобиди эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларининг ўзгаришлари касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

остеоартритли беморларни комплекс даволашда биорегулятор дори воситаларни қўллаш касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражаларининг пасайтириши аниқланган;

биорегулятор дори воситаларни остеоартрит комплекс давосида қўлланилиши эндотелиал дисфункция кўрсаткичларини яхшилаши ҳамда тоғайларнинг дегенератив-дистрофик жараёнларини камайтириши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, иммунофермент таҳлил, инструментал ҳамда статистик усуллари таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти остеоартритга чалинган климактерик даврдаги беморларда эндотелий дисфункциясини белгиловчи кўрсаткичлари (МСР-1 ва VEGF) титрларини клиник-патогенетик аҳамиятини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндотелий дисфункцияси мавжуд остеоартритга чалинган климактерик даврдаги беморларда комплекс

даволаш йўллари муқобиллаштириш, бўғим функционал етишмовчилигини олдини олиш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланишининг клиник-патогенетик хусусиятлари ва комплекс даवони самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган:

тадқиқот натижалари, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказида ревматология бўлими бўйича 22.06.2023-йилдаги 60-сонли буйруқ ҳамда Тошкент вилояти Тошкент тумани тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими бўйича 26.06.2023-йилдаги 84-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Климактерик даврда ОАни клиник-патогенетик механизмлари асосида эндотелий дисфункциясининг юзага келиши муҳим аҳамият касб этиб, эрта ташхислаш касалликни авж олиб боришини олдини олиш ва бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 3600000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1200000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

климактерик даврдаги остеоартритли беморлар қон зардобида эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларининг ўзгаришлари касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражасини ва бўғим тоғайларидаги дегенератив-дистрофик ўзгаришларни аниқлаш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни даволаш ва реабилитация қилиш учун сарфланадиган маблағнинг ҳамда унинг натижасида шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган;

комплекс текширув таҳлиллари остеоартритли беморларда эндотелиал дисфункциясининг кучайиб бориши билан бўғим тоғайларидаги дегенератив-дистрофик, яллиғланиш жараёнлари ҳам ортиб боришини баҳолашга имкон берди. Натижада беморнинг шифохонада қолиш муддатини 10,8 кундан 8,9 кунгача қисқартириб шифохонада қолиш тўлов миқдори шифохонада қолиш тўлов миқдори 185000 сўмга камайтирган ва 67,3% беморларда касалликни ремиссия даврига ўтказишга имкон берган.

климактерик даврдаги остеоартритли беморларни комплекс даволашда биорегулятор дори воситаларини қўллаш касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражаларининг пасайтириб, эндотелиал дисфункция кўрсаткичларини яхшилаши ҳамда тоғайларнинг дегенератив-дистрофик жараёнларини камайтириши асосланган. Бунинг натижасида беморларнинг ногиронлигини олдини олиниб, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Сағатова Дилноза Рахимовнанин "Климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланишининг клиник-патогенетик хусусиятлари ва комплекс давони самарадорлиги" мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 12 июн 03/5366-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси маҳаллий ва 4 таси халқаро илмий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит шаклланишининг клиник патогенетик жиҳатлари, эндотелий дисфункциясининг роли ҳамда комплекс даволаш усулларига замонавий ёндошув**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланиш механизмлари, касалликнинг клиник кечишининг ўзига ҳослиги атрофлича ёритилган. Шунингдек, климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланишида эндотелий дисфункциясининг аҳамияти ҳамда комплекс даволашни такомиллаштириш истиқболлари масаласига алоҳида урғу берилган.

Диссертациянинг «**Остеоартритга чалинган климактерик даврдаги аёлларнинг умумий клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий клиник тавсифи, тадқиқот усуллари, умумий ва махсус текширув усуллари, текширув натижаларини статистик ҳисоблаш услублари келтирилган.

Клиник тадқиқот 2021-2023 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ревматология, кардиоревматология ва артрологик ИАДК бўлимларида олиб борилди. Тадқиқот ишига 105 нафар ОА билан касалланган климактерик даврдаги беморлар ҳамда 20 та соғлом шахслар жалб этилди. Улар ёши ва жинси бўйича ОАга чалинган аёл беморлар билан деярли мос келган. Ташхис қўйишда беморларнинг шикоятлари, касаллик ва ҳаёт анамнези, объектив текширув натижалари, лаборатория ва асбоб-ускуналар текширувлари хулосалари ҳисобга олинди. Проспектив таҳлил учун тадқиқотни амалга ошириш мақсадида беморлар иккита гуруҳга бўлинди. I гуруҳни пременопауза давридаги ОАга чалинган $49,5 \pm 2,6$ ёшдаги ($n=54$) аёл беморлар ташкил қилган. II гуруҳ менопауза давридаги ОАга чалинган $57,1 \pm 4,2$ ёшдаги аёл беморлардан ($n=51$) иборат бўлган. Тадқиқотнинг

иккинчи босқичида танланган фармакотерапия усулига кўра беморлар яна иккита гуруҳга бўлинди. I гуруҳ беморларига анъанавий усул бўйича даволанган ОАга чалинган $49,5 \pm 2,6$ ёшдаги беморлар ($n=54$) жалб қилинган. Уларга ностероид яллиғланишга қарши воситаларни қабул қилиш ва 6 ой мобайнида хондропротектор гуруҳидаги препаратни per os қабул қилиш тавсия этилди. II гуруҳга эса комплекс даволаш усули қўлланилган $57,1 \pm 4,2$ ёшдаги ОАга чалинган аёл беморлар ($n=51$) танланган. Хондропротекторларни қўллаш билан бирга биорегулятор дори воситалар (Цель Т + Траумель С) тавсия этилди. Цель Т 1 та таблеткадан 3 маҳал кунига, 8 хафта мобайнида буюрилди. Траумель С 2мл мушак орасига ҳар куни 10 кун давомида берилди. Цель Т ва Траумель С дори воситаларини комбинатсия ҳолида зарарланган бўғим атрофига биопунктура усулида ҳар куни 5 кун мобайнида қилинди. Иккала гуруҳга ҳам турлича даволаш усулларидан ташқари турмуш тарзини тўғри юритиш, овқатланиш ва жисмоний зўриқишни коррекциялаш, даволаш жисмоний машқларини бажариш тавсия этилди.

Тадқиқотда умумклиник Visual Analogue Scale (VAS), Western Ontario and McMaster University (WOMAC), Lequene альго-функционал индекслари бўйича бўғим синдроми динамикасини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, биокимёвий, иммунофермент таҳлил усули (қон зардобида васкулоэндотелиал ўсиш омили (VEGF), моноцитар хемотаксис протеин-1 (MCP-1), NO титрлари, асбобий (рентгенологик, ультратовуш текшируви ва магнит-резонансли томографияси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Қон плазмасидаги васкулоэндотелиал ўсиш омили (VEGF) ва моноцитар хемотаксис протеин-1 (MCP-1) «Elabscience Biotechnology Inc.» (АҚШ) тўплами, NOнинг умумий микдори эса «БиоХимМак» компаниялар гуруҳининг StatFax (АҚШ) ярим анализаторида иммуноферментли анализ (ИФА) ёрдамида аниқланди.

Бўғим тузилмаларидаги ўзгаришларни аниқлаш учун ультратовуш текшируви ҳамда магнит-резонансли томографияси (Siemens Magnetom С 0.35Т русумли) қўлланилди. Барча беморларда қўл ва оёқ бўғимларини анъанавий амалдаги стандарт рентгенографияси ўтказилди. Бўғим тузилмаларидаги ўзгаришларни таҳлили учун тизза бўғимининг тўғри ва ён проекциядаги стандарт рентгенографияси ўтказилиб, Kellgren-Lawrence усулидан фойдаланилди.


Олиб борилган илмий тадқиқот ишига жалб қилинган беморлар анамнезидан тўпланган маълумотларга кўра, пре- ва постменопауза давридаги ОАли аёлларда касалликнинг илк белгилари юзага келган пайтда беморларнинг ўртача ёши $53,3 \pm 1,7$ ни ташкил қилган. Беморларнинг ўртача ёши ва касаллик давомийлиги бўйича постменопауза давридаги аёллар устунликни намоён қилишган ($57,1 \pm 4,2$ ва $5,1 \pm 1,2$). Шунингдек, ушбу гуруҳ вакилларида тана вазни индексининг ўртача кўрсаткичлари ҳам беморларнинг ўртача ёши ва касаллик давомийлигига боғлиқ равишда ортиб борганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Пре- ва постменопауза давридаги бирламчи ОАга чалинган аёлларнинг умумий клиник-лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинганда эрталабки

карахтликнинг ўртача давомийлиги $10,5 \pm 5,4$ дақиқадан ошмаганлиги қайд этилган. ВАШ ва Lequeue индекслари мос равишда $70,1 \pm 1,5$ ҳамда $16,1 \pm 0,4$ дан иборат бўлди. Беморларнинг фақатгина 24%ида синовит белгилари аниқланди. Оғриқли ва шишган бўғимлар сони бир бирига мос ҳолда $2,8 \pm 1,5$ ва $2,1 \pm 0,8$ ни ташкил қилди. Бўғимларнинг функционал етишмовчилиги ўрганилганда ОАли аёлларнинг асосий қисмида (54,8%) II функционал синф мавжудлиги кузатилди. Уларнинг 5 %ида эса касалликка хос бўғимлардаги ўзгаришлар функционал етишмовчиликка олиб келмаганлигига гувоҳ бўлдик. Яллиғланиш кўрсаткичларидан С-реактив оқсил ва эритроцитларнинг чўкиш тезлигида кучли даражадаги салбий динамика қайд этилмади ($23 \pm 0,1$ ва $20,2 \pm 1,5$).

Олинган натижаларга статистик ишлов беришда STATISTICA StatSoft, 6,1–8,0 дастурий пакетидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлилда Пирсоннинг корреляция даражаси (r) ёки Спирмен бўйича унвонли корреляция ишлатилди. Микроэлементлар экспрессиясини статистик таҳлил қилишда Манн-Уитни U-меъзони гуруҳлар орасидаги ўртача фарқларни солиштириш учун қўлланилган.


Диссертациянинг «Климактерик даврдаги остеоартритга чалинган беморларнинг клиник- лаборатор ва инструментал тавсифи» деб номланган учинчи бобида климактерик даврдаги аёлларда остеоартрит ривожланишининг хавф омиллари ва бўғим синдромига баҳо берилган. Беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик даражаси, уларнинг қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорлари билан муносабати таҳлил қилинган. ОАга чалинган беморларнинг инструментал таҳлил натижаларини касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ва гормонал ўзгаришлар билан боғлиқлиги асосланган. Шунингдек, ОАга чалинган беморларнинг инструментал таҳлил натижаларини касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ва гормонал ўзгаришлар билан муносабати атрофлича ёритиб берилган. Беморларни даволаш фонидида УТТ ва МРТ кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ҳам батафсил таҳлил қилинган.



Изох: *- $p=0,03$ -Солиштирилаётган кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

1-расм. Остеоартритга чалинган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичларининг қондаги эстрадиол, фолликулостимуловчи гормон ва лютеинловчи гормон миқдорлари билан корреляцион алоқаси

Юқоридаги 1-расмда ОАга чалинган беморларда касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичларининг қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ микдорлари билан корреляцион алоқаси акс эттирилган. Тасвирдаги ҳолатга кўра, WOMAC, Lequene ҳамда ВАШ индекслари билан эстрадиол ўртасида манфий корреляцион боғланиш кузатилди ($r=-0,09$; $r=-0,106$; $r=-0,047$) ($p=0,35$; $p=0,282$; $p=0,636$). Ушбу кўрсаткичлар билан ФСГ ва ЛГ орасида эса мусбат корреляция аниқланди ($r=0,218$; $r=0,059$; $r=0,134$ ва $r=0,130$; $r=0,040$; $r=0,203$) ($p=0,025$; $p=0,5$; $p=0,17$) ва ($p=0,18$; $p=0,68$; $p=0,03$). Қондаги ЭЧТ билан ЛГ ва эстрадиол ўртасида манфий ($r=-0,070$; $p=0,018$) ва ($r=-0,042$; $p=0,67$), ФСГ кўрсаткичи орасида эса мусбат корреляцион боғланиш қайд этилди ($r=0,047$; $p=0,85$). СРО кўрсаткичи билан эстрадиол ўртасида манфий ($r=-0,108$) ($p=0,276$), ФСГ ва ЛГ орасида эса мусбат корреляцион муносабат ўрнатилди ($r=0,09$) ($p=0,32$) ва ($r=0,016$) ($p=0,87$). Дарҳақиқат, юқоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ микдорларининг ўзгаришлари касалликнинг клиник ва лаборатор фаоллик даражасига ўз таъсирини кўрсатиши маълум бўлди.




Изоҳ: *- $p=0,017$ -Солиштирилаётган кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

2-расм. Остеоартритга чалинган беморларда ультратовуш текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари билан корреляцион алоқаси

ОАга чалинган беморларда ультратовуш текширувида аниқланган касалликка ҳос кўрсаткичларнинг касалликни клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари билан корреляцион алоқаси ифодаланган бўлиб, унга кўра, WOMAC, Lequene ва ВАШ индекслари ортиб борган сари бўғимларда синовит ва остеофитнинг учраш частотаси ҳам ортиб борган ($r=0,0290$, $p=0,772$; $r=0,053$, $p=0,594$; $r=0,206$, $p=0,03$; $r=0,085$, $p=0,391$ ва $r=0,066$, $p=0,503$; $r=0,103$, $p=0,296$ мос равишда). Касалликнинг лаборатор фаоллигини ифодаловчи ЭЧТ ва СРО кўрсаткичлари билан синовит ва остеофит даражалари ўртасида ҳам юқорида акс

этирилган ҳолат каби тўғри кучли корреляцион боғланиш мавжудлиги кузатилган ($r=0,282, p=0,004$; $r=0,013, p=0,893$; $r=0,043, p=0,668$; $r=0,216, p=0,028$ мос ҳолда). Яъни касалликнинг лаборатор ва инструментал фаоллик даражалари бир бирига мувофиқ равишда кучайиб борган. WOMAC, Lequene, ВАШ индекслари, ЭЧТ ва СРО кўрсаткичлари билан соннинг медиал тепачаларининг тоғайининг (СМТТ) қалинлиги ҳамда сон тизза қопқоғи бирлашмаси (СТҚБ) тоғайларидаги ўзгаришлар ўртасида эса тескари корреляцион муносабат қайд этилган ($r=-0,034, p=0,732$; $r=-0,233, p=0,017$; $r=-0,107, p=0,276$; $r=0,032, p=0,746$ ва $r=-0,268, p=0,006$; $r=-0,387; p=0$ мос равишда). Яъни, уларнинг кўрсаткичлари ортиб борган сари соннинг медиал тепачалари ҳамда сон тизза қопқоғи бирлашмаси тоғайларидаги емирилишлар ҳам шунчалик кучайиб борган.




Изох: *- $p=0,003$ -Солиштирилаётган кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

3-расм. Остеоартритга чалинган беморларда ультратовуш текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг қондаги эстрадиол, фолликулостимуловчи гормон ва лютеинловчи гормон миқдорлари билан корреляцион алоқаси

Юқорида акс этирилган диаграммадаги тасвирда беморларда ультратовуш текширувида аниқланган ОАга ҳос кўрсаткичларнинг қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ титрлари билан корреляцион алоқаси келтириб ўтилган. Унга кўра, соннинг медиал тепачалари ҳамда сон тизза қопқоғи бирлашмаси тоғайларидаги дегенерация ва остеофит кўрсаткичи билан эстрадиол даражаси ($r=-0,238; p=0,015$; $r=-0,334; p=0,0$ ҳамда $r=0,099; p=0,317$ мос равишда) ўртасида тескари корреляцион боғланиш аниқланган ($r=-0,286; p=0,003$). ФСГ билан соннинг медиал тепачалари ва сон тизза қопқоғи бирлашмаси тоғайларидаги емирилишлар ўртасида статистик ишончли тарзда тескари ($r=-0,312; p=0,001$; $r=-0,336; p=0,0$ мос равишда), суяклардаги остеофит ва бўғимдаги синовит даражаси ўртасида эса тўғри корреляцион боғланиш ўрнатилган ($r=0,311; p=0,001$; $r=0,051; p=0,602$ мос равишда). ЛГ титри билан сон медиал тепачалари тоғайининг қалинлиги, сон тизза қопқоғи бирлашмаси тоғайларидаги емирилишлар ва бўғимдаги синовит ўртасида статистик ишончли тарзда тескари ($r=-0,312, p=0,001$; $r=-0,336; p=0,0$ ва $r=-0,017; p=0,861$ мос равишда), остеофит билан эса тўғри ва ҳаққоний корреляцион боғланиш

ўрнатилган ($r=0,260$; $p=0,007$). Демак, климактерик даврда ОА касаллигига хос бўлган бўғим тоғайидаги патологик ҳолатларнинг учраш частотаси жинсий гормонлардаги ўзгаришларга боғлиқ равишда кучайиб боради (3-расм).




Изох: *- $p=0,003$ -Солиштирилаётган кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут

4-расм. Остеоартритга чалинган беморларда магнит-резонансли томографияси текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари билан корреляцион алоқаси

Ушбу диаграммада ОАга чалинган беморларда МРТ текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари билан корреляцион алоқаси келтирилган. Унга кўра, суяк кўмигининг шиши билан WOMAC индекси ўртасида кучли мусбат корреляцион боғланиш кузатилди ($r=0,029$, $p=0,771$). Ушбу кўрсаткич билан Lequeue, ВАС индекслари ҳамда ЭЧТ ва СРО орасида эса мусбат корреляция аниқланди ($r=0,016$, $p=0,87$; $r=0,121$, $p=0,22$ ва $r=0,119$, $p=0,228$, $r=0,088$; $p=0,373$ мос равишда). Суяклардаги субхондрал кисталар билан WOMAC, ВАС индекслари ҳамда ЭЧТ ва СРО орасида мусбат корреляцион боғланиш кузатилди ($r=0,049$, $p=0,62$; $r=0,133$, $p=0,178$; $r=0,287$, $p=0,003$ ва $r=0,008$; $p=0,934$ мос равишда). Фақатгина Lequeue индекси билан манфий корреляция аниқланди ($r=-0,091$; $p=0,354$). Субхондрал остеоосклероз билан Lequeue, ВАС индекслари ҳамда ЭЧТ ва СРО орасида кучли манфий корреляцион боғланиш ўрнатилди ($r=-0,011$, $p=0,915$; $r=-0,001$, $p=0,994$; $r=-0,218$, $p=0,025$ ва $r=-0,096$, $p=0,333$ мос равишда). Фақатгина WOMAC индекси билан мусбат корреляция кайд этилди ($r=0,065$; $p=0,512$). Олиб борилган статистик натижалардан келиб чиққан ҳолда, касалликнинг клиник-лаборатор фаоллик кўрсаткичлари ортиб борган сари МРТда суяк кўмигининг шиши, субхондрал киста ва остеоосклероз ҳам кучайиб бораверади деган хулосага келиш мумкин (4-расм).

Куйида тасвирланган 5-расмда ОАга чалинган беморларда МРТ текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ микдорлари билан корреляцион алоқаси акс эттирилган. Унга кўра, суяк кўмигининг шиши билан эстрадиол манфий корреляцион боғланиш кузатилди ($r=-0,063$, $p=0,521$). Ушбу кўрсаткич билан ФСГ ва ЛГ орасида эса мусбат


корреляция аниқланди ($r=0,099$, $p=0,313$ ва $r=0,172$ ва $p=0,08$ мос равишда). Қондаги ФСГ ва ЛГ билан МРТда аниқланган субхондрал кисталар ўртасида эса кучли манфий корреляцион боғланиш қайд этилди ($r=-0,063$, $p=0,52$; $r=-0,062$, $p=0,53$ ва $r=-0,052$, $p=0,597$ мос ҳолда). Субхондрал остеоосклероз билан эстрадиол ва ЛГ орасида кучли манфий, ФСГ билан эса мусбат корреляция юзага келганлигига гувоҳ бўлдик ($r=-0,076$, $p=0,439$; $r=-0,077$, $p=0,435$ ва $r=0,003$, $p=0,975$ мос ҳолда). Демак, ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, қондаги эстрадиол, ФСГ ва ЛГ миқдорларидаги силжишлар касалликка хос МРТ белгиларида ҳам муайян ўзгаришларга олиб келади дейиш мумкин.



Изоҳ: *- $p=0,03$ -Солиштирилаётган кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут


5-расм. Остеоартритга чалинган беморларда магнит-резонансли томографияси текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг қондаги эстрадиол, фолликулостимуловчи гормон ва лютеинловчи гормон миқдорлари билан корреляцион алоқаси

Анъанавий ва комбинирланган даволаш схемалари тавсия этилган беморларда ОАнинг клиник фаоллик кўрсаткичлари 3, 6 ва 12 ойдан сўнг қайта баҳоланди. Унга кўра, иккала гуруҳда ҳам даволаш фониди WOMAC индексининг пасайиши кузатилди. Ушбу индекс комбинирланган даво буюрилган ОАли беморларда даволашнинг 6-ойига келиб статистик аҳамиятли тарзда камайди (17,4 ва 10,7; $p<0,05$). Комбинирланган дори воситалари қўлланилган II гуруҳ беморларида Lequeue индекси анъанавий даво олган I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан статистик ҳаққоний тарзда камайганлигига гувоҳ бўлдик ($p<0,5$). II гуруҳ беморларида ушбу кўрсаткичнинг ишонарли равишда пасайиши даволашнинг 6-ойидан бошланган бўлса (17,1 ва 10,1; $p<0,05$), анъанавий даво олган беморларда эса фақатгина 1 йилдан кейингина даволашдан олдинги қийматларга нисбатан ижобий динамика кузатилди (15,5 ва 9,8; $p<0,05$). Анъанавий ва комбинирланган фармакотерапия буюрилган ОАли беморларда ВАШ индекси WOMAC ва Lequeue индексларига қараганда тез фурсатларда яққол ижобий динамика қайд этди. Яъни, комбинирланган усулда даволанган аёлларда дастлабки 3 ой ичидаёқ ВАШ кўрсаткичи 75 дан 42 гача ишонарли тарзда камайди ($p<0,01$). Анъанавий даво тавсия этилган гуруҳда эса бундай ўзгариш ярим йилдан кейингина юзага келди (65 ва 42,3; $p<0,01$).



Изоҳ: * - $p < 0,05$ - Даводан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут
6-расм. Фармакотерапия фонида ультратовуш текширувида аниқланган кўрсаткичларнинг гуруҳлар бўйича ўзгариш динамикаси (балл)


Юқорида келтирилган 6-расмда 12 ойлик комбинирланган ва анъанавий фармакотерапия фонида ультратовуш текшируви ёрдамида аниқланган соннинг медиал тепачаларининг тоғайининг қалинлиги, сон тизза қопқоғи бирлашмаси тоғайларидаги деструкция, остеофит ҳамда синовит қийматларидаги ўзгаришлар гуруҳлар бўйича таҳлил қилинган. Унга кўра, анъанавий усулда даволанган I гуруҳ беморларида СМТТ қалинлиги ва СТҚБ тоғайларидаги деструкция, остеофит кўрсаткичларини даводан олдинги қийматларга нисбатан статистик аҳамиятсиз тарзда камайганлигини кузатдик. Бироқ, синовит даражалари даводан олдинги кўрсаткичларга қараганда статистик аҳамиятли ҳаққоний тарзда пасайди (1,61; 0,68; $p < 0,05$). Комбинирланган даволаш усули қўлланилган беморлар гуруҳида эса нафақат синовит, балки остеофит даражаларини ҳам даводан олдинги қийматларга нисбатан ишонарли равишда камайганлиги қайд этилди (1,53; 0,4; $p < 0,05$ ва 2,8; 1,3; $p < 0,05$).



Изоҳ: * - $p < 0,5$ - даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ишончли тафовут
7-расм. Даволаш фонида беморларда аниқланган остеоартритга хос магнит-резонансли томографияси кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси

